IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI HUZURIDAGI YASHIRIN IQTISODIYOT ULUSHINI QISQARTIRISH, SOLIQ VA BOJXONA MA'MURCHILIGINI TAKOMILLASHTIRISH, FISKAL TAHLILLAR INSTITUTI


FISKAL TAHLILLAR INSTITUTI

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ, СОЛИҚ ВА БОЖХОНА МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ БОШҚАРМАСИ

Заргарлик маҳсулотлари импортида яширин иқтисодиёт улушини камайтириш бўйича таклифлар

Муаллиф (лар):

Етакчи мутахассис Ж.Р.Аминбоев



ТОШКЕНТ – 2026 й.

Мундарижа

КИРИШ.....3

1. Ўзбекистон заргарлик бозорининг ҳозирги ҳолати.....4

2. Заргарлик маҳсулотлари импортида яширин иқтисодиёт ҳолати.....14

3. Яширин импорт юқори бўлишининг асосий сабаблари.....17

4. Хорижий давлатлар тажрибаси: Туркия, БАА, Ҳиндистон, Италия, Хитой, Қозоғистон.....18

5. Мавжуд тизимдаги асосий муаммолар.....26

ХУЛОСА.....28

6. Заргарлик маҳсулотлари яширин импортини камайтириш бўйича таклифлар.....30

7. Иқтисодий самара.....40

ФОЙДАЛАНИЛГАН РАСМИЙ МАНБАЛАР.....43

ИЛОВА.

1. Амалдаги имтиёзлар ва давлат томонидан кўрилган чоралар.....45

КИРИШ

Заргарлик саноати қимматбаҳо металлар билан ишлаш, ташқи ва чакана савдо, хизмат кўрсатиш ҳамда юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқаришни бирлаштирувчи тармоқдир.

Заргарлик буюмлари кичик ҳажмда юқори қийматга эга бўлади ва уларни ташиш нисбатан осон. Қимматбаҳо металлар нархининг халқаро бозорга боғлиқлиги ҳамда чакана савдода норасмий операциялар учраши мумкинлиги яширин импорт хавфини оширади.

Тадқиқот Божхона қўмитаси, Солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат асиллик даражаси назорати инспекцияси, “Ўзбекзаргарсаноати” уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасининг расмий маълумотлари асосида тайёрланди. Жумладан, 2010–2025 йилларда тузилган никоҳлар сони бўйича статистика ҳам таҳлилга киритилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг соҳани тартибга солувчи ҳужжатлари, давлат органларининг 2025–2026 йиллардаги расмий ахборотлари ва Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Ҳиндистон, Италия, Хитой ҳамда Қозоғистоннинг расмий манбалари ўрганилди.

Турли идоралар маълумотлари қамрови ва ўлчов бирликлари бир-биридан фарқ қилади.

Масалан, Божхона қўмитаси маълумотларида импорт ва экспорт ТИФ ТН кодлари бўйича, Асиллик инспекциясида текширилган ва тамғаланган буюмлар бўйича, Солиқ қўмитасида товар айланмаси ва солиқ кўрсаткичлари бўйича ҳисоб юритилади. “Ўзбекзаргарсаноати” уюшмаси маълумотлари эса аъзо корхоналар сўровига асосланган.

Шу сабабли ушбу маълумотларни бир хил кўрсаткич сифатида тўғридан-тўғри солиштириш тўғри бўлмайди. Тадқиқотда улар товар ҳаракатининг турли босқичларини ифодаловчи ўзаро боғлиқ индикаторлар сифатида кўриб чиқилди.

Тадқиқотда “яширин импорт” деганда божхона қонунчилиги талабларига мувофиқ тўлиқ декларация қилинмаган, тегишли божхона тўловлари тўланмаган ёки шахсий фойдаланиш учун олиб кирилаётгандек кўрсатилиб, амалда тижорат мақсадида ички бозорда сотилиши мумкин бўлган заргарлик маҳсулотлари назарда тутилади.

Божхона органлари аниқлаган ҳуқуқбузарликлар яширин импортнинг фақат аниқланган қисмини кўрсатади. Шунинг учун унинг умумий ҳажмини ишончли баҳолаш учун алоҳида статистик ва иқтисодий методика зарур.

1. ЎЗБЕКИСТОН ЗАРГАРЛИК БОЗОРИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

1.1. Асиллик назорати ва расмий бозор иштирокчилари

Давлат асиллик даражаси назорати инспекцияси тақдим этган маълумотлар тармоқнинг расмий қисми кенгайиб бораётганини кўрсатади.

Рўйхатга олинган корхоналар сони 2019 йилда 194 та бўлган бўлса, 2025 йилга келиб 830 тага етган. 2024 йилда бу кўрсаткич 641 тани ташкил этган, яъни бир йилда 29,5 фоизга ўсган. Амалдаги шахсий тамғалар сони ҳам 535 тадан 721 тага кўпайган.

2023–2025 йилларда асиллик назоратидан ўтказилган заргарлик буюмлари ва шахсий тамғага эга субъектлар сони.

Йил	Корхона, та	Шахсий тамға, та	Текширилган, дона	Тамғаланган, дона
2023	519	420	230 778	226 380
2024	641	535	204 914	196 301
2025	830	721	251 681	219 169

2023–2025 йилларда асиллик назоратидан ўтказилган импорт заргарлик буюмлари.

Йил	Импортдан тамғаланган, дона	Импортдан тамғаланган, кг
2023	175 513	706,1
2024	147 055	763,4
2025	141 883	733,7

2023–2025 йилларда асиллик назоратидан ўтказилмаган импорт заргарлик буюмлари.

Йил	Қонунбузилиш, та	Тамғасиз буюм, дона	Тамғасиз буюм, г	Жарима, млн сўм
2023	12	1 577	8 764,3	36,3
2024	3	104	558,7	6,8
2025	27	644	1 331,6	61,8

Жадвал маълумотларидан кўринишича, 2025 йилда 27 та қонунбузилиш ҳолати аниқланган. Бу 2024 йилга нисбатан 9 баравар кўп.

Тамғаланмаган буюмлар сони 2024 йилдаги 104 тадан 2025 йилда 644 тага, уларнинг умумий оғирлиги эса 558,7 граммдан 1 331,6 граммга ошган. Шу билан бирга, 2023–2025 йилларда асиллик даражаси белгиланган меъёрдан паст бўлган буюмлар аниқланмаган. Бу ҳолат асосий хавф фақат металл пробаси билан боғлиқ эмаслигини, маҳсулотнинг қонуний келиб чиқиши, тамғаланиши ва савдо занжирида ҳисобга олиниши ҳам муҳим эканини кўрсатади.

Инспекциянинг 2026 йил 5 июндаги расмий ахборотига кўра, 2026 йил 1 июнь ҳолатида қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар билан ишловчи субъектлар сони 2 778 тага етган. Фаолият турлари бўйича расмийлаштирилган рухсат берувчи ҳужжатлар сони эса 4 059 тани ташкил этган.

Шунингдек, 2026 йил март–май ойларида “Toshkent AERO” божхона комплексидаги Асиллик инспекцияси филиалида 8 311 дона, жами 33,52 кг заргарлик буюми экспертизадан ўтказилиб, давлат тамғаси билан тамғаланган. Тошкент, Бухоро, Наманган, Самарқанд ва Хоразмда тезкор асилликни аниқлаш шохобчалари ҳамда сайёр хизматлар ташкил этилган. Бу чоралар расмий импорт жараёнида вақт ва харажатларни камайтиришга хизмат қилади.

1.2. Солиқ ҳисоботидаги товар айланмаси таҳлили

Солиқ қўмитаси маълумотлари заргарлик соҳасида расмий товар айланмаси тез ўсганини кўрсатади. ОКМК ва НКМК кўрсаткичларини ҳисобга олмаганда, юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг умумий товар айланмаси 2023 йилда 5,78 трлн сўм, 2024 йилда 7,85 трлн сўм ва 2025 йилда 21,75 трлн сўмни ташкил этган. Демак, 2025 йилда товар айланмаси 2024 йилга нисбатан 2,77 бараварга ошган.

2023–2025 йилларда заргарлик буюмларини сотувчи корхоналар айланмаси тўғрисида маълумот.

Давр	Товар айланмаси, млрд сўм	Онлайн чек савдоси, млрд сўм	Онлайн улуш	Тўланган солиқ, млрд сўм	Тўланган ҚҚС, млрд сўм
2023 йил	5 780,4	4 214,0	72,9%	98,1	23,7
2024 йил	7 845,2	5 885,0	75,0%	161,5	53,7
2025 йил	21 749,4	12 809,1	58,9%	209,0	59,0

Онлайн чеклар орқали қайд этилган савдо ҳажми 2023 йилдаги 4,21 трлн сўмдан 2025 йилда 12,81 трлн сўмгача ошган. Бироқ онлайн чекларнинг


умумий товар айланмасидаги улуши 2024 йилдаги 75,0 фоиздан 2025 йилда 58,9 фоизга тушган. Буни тўғридан-тўғри яширин савдо ўсиши деб баҳолаш мумкин эмас, чунки улгуржи операциялар, металлар ҳаракати ва ҳисоблаш усули каби омиллар ҳам таъсир қилади. Шунга қарамай, ушбу фарқ чакана савдода ҳар бир товарнинг уникал IDсини онлайн чек билан боғлаш зарурлигини кўрсатувчи муҳим мониторинг кўрсаткичидир.

2023–2025 йилларда заргарлик буюмларини сотувчи корхоналарнинг солиқ кўрсаткичлари тўғрисида маълумот.

Давр	Ҳисобланган солиқ, млрд сўм	СК 243 имтиёз, млрд сўм	Имтиёз олувчи, та	ҚҚС қайтариш, млрд сўм
2023 йил	271,9	259,0	124	9,1
2024 йил	470,3	432,8	217	12,7
2025 йил	599,7	1 473,0	335	9,0

2025 йилда Солиқ кодексининг 243-моддаси доирасида ҳисобланган имтиёзлар миқдори 1,473 трлн сўмга етган, имтиёздан фойдаланган субъектлар сони эса 335 тани ташкил этган.

2026 йил 1 январдан соҳада ҚҚС режими ўзгарган. Шунинг учун 2023–2025 йиллар кўрсаткичларини 2026 йил маълумотлари билан солиштиришда ҳуқуқий режимдаги фарқни албатта ҳисобга олиш керак.



Манба: Солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

1.3. Ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажми.

“Ўзбекзаргарсаноати” уюшмаси тақдим этган сўров маълумотлари 2025 йилда аъзо корхоналарда ишлаб чиқариш ва экспорт сезиларли ўсганини кўрсатади.

Сўров 2024 йилда 32 та, 2025 йилда эса 81 та аъзо корхонани қамраб олган. Шунинг учун ўсишнинг бир қисми сўров қамрови кенгайгани билан ҳам изоҳланиши мумкин. Ушбу кўрсаткичлар бутун республика бозорининг тўлиқ статистикаси эмас, балки уюшма аъзолари фаолиятидаги динамикани акс эттиради.

Давр	Аъзолар, та	Ишлаб чиқариш, кг	Ишлаб чиқариш қиймати, млрд сўм	Экспорт, кг	Экспорт, млн АҚШ доллари
2024 йил	32	3 782,5	2 836,9	348,0	25,6
2025 йил	81	15 948,0	12 758,4	3 071,5	307,2

Давр	Сотиб олинган олтин, кг	Сотиб олинган кумуш, кг	Яратилган янги иш ўрни, та
2024 йил	2 212,0	13	700
2025 йил	8 753,3	545	1 599

2025 йилда аъзо корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 15 948 кг ёки 12,76 трлн сўмни, экспорт эса 3 071,5 кг ёки 307,2 млн АҚШ долларини ташкил этган. 2024 йилга нисбатан ишлаб чиқариш ҳажми оғирлик бўйича 4,22 баравар, қиймат бўйича 4,50 баравар, экспорт қиймати эса 12 бараварга ошган.

Божхона қўмитаси маълумотларига кўра, 2025 йилда ТИФ ТН 7113–7114 позициялари бўйича экспорт **318,9 млн АҚШ доллари**ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич “Ўзбекзаргарсаноати” маълумотларида **307,2 млн АҚШ доллари** кўрсатилган рақамларда фарқ бўлсада ушбу икки манба рақамлари ҳам экспорт кескин ўсганини кўрсати бермоқда.

1.4. Импорт ва экспорт таркиби

Божхона қўмитаси тақдим этган маълумотларида хом ашё, қимматбаҳо металлар ва тошлар, чиқиндилар, катализаторлар ҳамда тайёр заргарлик буюмлари биргаликда ҳисобга олинган. **2025 йил**да ушбу гуруҳ импорти **553,8 млн АҚШ доллари**ни ташкил этган бўлса шундан **494,7 млн доллари** ёки **89,3 фоиз**и ишлов берилмаган номонетар олтин ҳиссасига тўғри келган.

2023–2025 йилларда импорт ҳажми тўғрисида маълумот

Йил	Импорт вазни, кг	Импорт қиймати, млн АҚШ доллари	Бож, млн сўм	ҚҚС, млн сўм
2023	596,2	4,67	8 995,2	7 719,6
2024	390,1	9,96	9 325,1	16 212,3
2025	565,6	14,02	7 884,4	21 834,1

Тайёр заргарлик буюмларига энг яқин бўлган 7113–7114 позициялари бўйича расмий импорт қиймати 2023 йилда 4,67 млн АҚШ долларини, 2024 йилда 9,96 млн долларни ва 2025 йилда 14,02 млн долларни ташкил этган. Уч йилда импорт қиймати қарийб уч бараварга ошган. 2025 йилда импорт қийматининг 91,8 фоизи 7113190000 коди – бошқа қимматбаҳо металлардан тайёрланган заргарлик буюмлари ва уларнинг қисмлари ҳиссасига тўғри келган. Шу сабабли рақамли кузатув ва назоратни, аввало, юқори қийматли 711319 позициясида кучайтириш муҳим.

2023–2025 йилларда экспорт ҳажми тўғрисида маълумот


Йил	Экспорт вазни, кг	Экспорт қиймати, млн АҚШ доллари
2023	692,9	41,0
2024	352,1	26,2
2025	3 177,1	318,9

Манба: Божхона қўмитаси тақдим этган маълумотлар; ТИФ ТН 7113 ва 7114 позициялари бўйича муаллиф ҳисоб-китоби.

Тайёр заргарлик буюмларига энг яқин бўлган 7113–7114 позициялари бўйича расмий импорт қиймати 2023 йилда 4,67 млн АҚШ долларини, 2024

йилда 9,96 млн долларни ва 2025 йилда 14,02 млн долларни ташкил этган. Уч йилда импорт қиймати қарийб уч бараварга ошган. 2025 йилда импорт қийматининг 91,8 фоизи 7113190000 коди – бошқа қимматбаҳо металлардан тайёрланган заргарлик буюмлари ва уларнинг қисмлари ҳиссасига тўғри келган. Шу сабабли рақамли кузатув ва назоратни, аввало, юқори қийматли 711319 позициясида кучайтириш муҳим.

2025 йилда 7113–7114 позициялари бўйича экспорт 318,9 млн АҚШ долларига етган ва 2024 йилга нисбатан 12,2 бараварга ошган. Экспортдаги ушбу ўсишни сақлаб қолган ҳолда, импортда яширин иқтисодиёт хавфини камайтириш чоралари товарнинг қонуний келиб чиқишини рақамли тасдиқлашга қаратилган бўлиши керак.



Манба: Божхона қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

1.5. Никоҳлар сони асосида никоҳ узукларига ички талабни баҳолаш

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2010–2025 йилларда республикада жами 4 692 507 та никоҳ давлат рўйхатидан

ўтказилган. Никоҳ маросимида узук харид қилиш кенг тарқалганини ҳисобга олиб, бозорнинг эҳтимолий сиғими икки сценарийда баҳоланди: ҳар бир никоҳга 1 та ёки 2 та узук. Бу ҳисоб-китоблар реал савдо ҳажмини эмас, эҳтимолий ички талабни кўрсатади.

Ҳисоб-китоб оддий тартибда амалга оширилди: биринчи сценарийда никоҳлар сони 1 га, иккинчи сценарийда 2 га кўпайтирилди. Албатта, ҳар бир никоҳда айнан тилла узук харид қилиниши, узукнинг янги бўлиши ёки харид никоҳ қайд этилган йилнинг ўзида амалга оширилиши шарт эмас. Шунинг учун бу кўрсаткич яширин импорт ҳажмини бевосита аниқламайди, балки расмий чакана савдо ва товар ҳаракати маълумотлари билан солиштириш учун қўшимча талаб индикатори бўлиб хизмат қилади.

Йил	Тузилган никоҳлар, та	1 та узук сценарийси, дона	2 та узук сценарийси, дона
2010	292 286	292 286	584 572
2011	287 793	287 793	575 586
2012	299 048	299 048	598 096
2013	304 859	304 859	609 718
2014	296 055	296 055	592 110
2015	287 582	287 582	575 164
2016	275 048	275 048	550 096
2017	306 197	306 197	612 394
2018	311 379	311 379	622 758
2019	310 899	310 899	621 798
2020	296 751	296 751	593 502
2021	305 211	305 211	610 422
2022	296 689	296 689	593 378
2023	283 808	283 808	567 616
2024	271 776	271 776	543 552
2025	267 126	267 126	534 252
2010–2025 жами	4 692 507	4 692 507	9 385 014

Манба: Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси, “Тузилган никоҳлар сони (жами)” маълумотлар тўплами, ID 2.01.01.0024; муаллиф ҳисоб-китоби.

2010 йилда 292 286 та никоҳ қайд этилган бўлса, 2025 йилда бу кўрсаткич 267 126 тани ташкил этган. Бу 2010 йилга нисбатан 8,6 фоизга кам. Таҳлил қилинган даврда энг юқори кўрсаткич 2018 йилда — 311 379 та никоҳ

қайд этилган. 2025 йилги кўрсаткич ундан 14,2 фоиз паст. Шунга қарамай, 2025 йилда 1 та узук сценарийси бўйича 267 126 дона, 2 та узук сценарийси бўйича эса 534 252 донагача никоҳ узугига эҳтимолий талаб мавжуд бўлган. 2010–2025 йиллар бўйича жами эҳтимолий талаб 4,69 млн донадан 9,39 млн донагача баҳоланади.

2025 йилда ҳудудлар кесимида эҳтимолий талаб

Ҳудуд	Никоҳлар, та	1 та узук, дона	2 та узук, дона
Қорақалпоғистон Республикаси	12 208	12 208	24 416
Андижон вилояти	23 045	23 045	46 090
Бухоро вилояти	14 868	14 868	29 736
Жиззах вилояти	11 103	11 103	22 206
Қашқадарё вилояти	28 915	28 915	57 830
Навоий вилояти	7 334	7 334	14 668
Наманган вилояти	21 946	21 946	43 892
Самарқанд вилояти	31 730	31 730	63 460
Сурхондарё вилояти	22 751	22 751	45 502
Сирдарё вилояти	6 778	6 778	13 556
Тошкент вилояти	19 096	19 096	38 192
Фарғона вилояти	28 896	28 896	57 792
Хоразм вилояти	15 331	15 331	30 662
Тошкент шаҳри	23 125	23 125	46 250
Жами	267 126	267 126	534 252

Манба: Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси маълумотлари; муаллиф ҳисоб-китоби.

2025 йилда никоҳлар энг кўп Самарқанд вилоятида — 31 730 та, Қашқадарё вилоятида — 28 915 та, Фарғона вилоятида — 28 896 та ва Тошкент шаҳрида — 23 125 та қайд этилган. Ушбу тўрт ҳудуднинг ўзида 112 666 та никоҳ тузилган. Бу 1–2 та узук сценарийси бўйича 112,7 мингдан 225,3 минг донагача эҳтимолий талабни англатади. Ҳудудий ҳисоб-китобларни онлайн чеклар, асиллик тамғалари ва товар IDлари билан солиштириш расмий савдо қамровини баҳолаш учун қўшимча асос бўлиши мумкин.

Бироқ никоҳлар сонини импорт ёки яширин айланма ҳажмига бевосита тенглаштириш мумкин эмас. Узук маҳаллий ишлаб чиқарилган бўлиши, аввал харид қилинган буюмдан фойдаланилиши, бошқа металлдан тайёрланиши

ёки харид бошқа даврда амалга оширилиши мумкин. Шунинг учун бу кўрсаткични божхона импорти, маҳаллий ишлаб чиқариш, асиллик назорати, онлайн чеклар ва товар қолдиқлари билан бирга истеъмол баланси таҳлилида қўллаш тўғри бўлади.

2023–2025 йилларда тамғаланган заргарлик буюмлари сони никоҳлардан келиб чиқиб ҳисобланган эҳтимолий узуклар сонидан 2,4–2,8 баравар кам бўлган.

*Масалан, 2025 йилда **534,3 минг дона**гача никоҳ узугига эҳтимолий талаб ҳисобланган бўлса, **219,2 минг дона** заргарлик буюми тамғаланган. Бу тафовутни яширин айланманинг тўғридан-тўғри исботи деб бўлмайди, аммо расмий тамғалаш ва бозордаги эҳтимолий талаб ўртасида сезиларли фарқ борлигини кўрсатади.*

2. ЗАРГАРЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ИМПОРТИДА ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ ҲОЛАТИ

Яширин импортнинг умумий ҳажмини расмий статистикадан тўғридан-тўғри аниқлаб бўлмайди. Божхона органлари маълумотлари фақат аниқланган ҳолатларни қамраб олади, аниқланмаган операциялар эса статистикада акс этмайди. Шу сабабли тадқиқотда вазият бир нечта кўрсаткич асосида баҳоланди булар **аниқланган ноқонуний импорт**, **расмий импорт**, **асиллик назоратидаги қонунбузилишлар**, **тамғаланмаган буюмлар**, **чакана савдонинг рақамлашув даражаси** ва **никоҳлар сонидан келиб чиқадиган эҳтимолий истеъмол** талаби. Никоҳлар бўйича ҳисоб-китоб алоҳида ҳолда яширин импортни исботламайди; у товар баланси таҳлилини тўлдирувчи кўрсаткич сифатида қўлланилди.

2.1. Божхона органлари аниқлаган ноқонуний импорт масштаби

Божхона қўмитасининг расмий ахборотига кўра, **2025 йил**нинг биринчи ярмида **363 та** ҳуқуқбузарлик ҳолати бўйича **75 млрд сўм**лик заргарлик буюмларининг ноқонуний олиб кирилиши олди олинган. Шу даврда хориждан расмий импорт қилинган заргарлик буюмлари қиймати **5 млн АҚШ доллари**ни ташкил этган ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 6 фоизга ўсган.

75 млрд сўмлик аниқланган ноқонуний товар ва 5 млн АҚШ долларлик расмий импортни оддий тарзда ўзаро солиштириш тўғри эмас. Биринчидан, маълумотлар турли валюталарда келтирилган; иккинчидан, аниқланган ҳуқуқбузарликлар билан статистик импорт қамрови бир хил эмас. Шунга қарамай, аниқланган ноқонуний оқимнинг ўзи ҳам яширин импорт хавфи жиддийлигини кўрсатади. “Яширин импорт расмий импортдан бир неча баравар юқори” деган гипотезани аниқ баҳолаш учун чегарада аниқланган ҳолатлар, ички бозор қолдиқлари, истеъмол ва ишлаб чиқариш баланси ҳамда товар ҳаракати маълумотларини бирлаштирувчи махсус методика керак.

2.2. Асиллик назоратидаги индикаторлар

2025 йилда импортдан келиб тамғаланган буюмлар оғирлиги 733,7 кгни ташкил этган ва 2024 йилдаги 763,4 кгга нисбатан 3,9 фоизга камайган. Шу вақтнинг ўзида аниқланган қонунбузилишлар 3 тадан 27 тага, тамғаланмаган буюмлар эса 104 тадан 644 тага кўпайган. Бу ўзгаришларга назорат фаоллиги, бозор қамрови ва қонунбузарликлар кўлами каби бир нечта омил таъсир қилган бўлиши мумкин. Барибир, товарнинг келиб чиқишини текшириш ва тамғалаш занжирини кучайтириш зарурлиги кўриниб турибди.

Божхона маълумотларида 2025 йилда 7113–7114 позициялари бўйича 565,6 кг импорт қайд этилган, Асиллик инспекцияси эса импортдан келиб

тамғаланган 733,7 кг буюмни кўрсатган. Бу икки рақамнинг тўғридан-тўғри тенг бўлиши шарт эмас, чунки ТИФ ТН қамрови, ҳисобот даври, аввалги даврда импорт қилинган товарларни кейинчалик тамғалаш ва қайта ишлаш каби омиллар фарқ қилади. Шунинг учун мазкур тафовутни яширин импорт деб баҳолаш мумкин эмас. Аксинча, у идоралараро маълумотларни партия ва буюм IDси даражасида боғлаш зарурлигини кўрсатади.

2.3. Яширин импортнинг товар занжирида намоён бўлиш нуқталари

- Чегара босқичи: товарни декларация қилмаслик, қийматини камайтириб кўрсатиш ёки шахсий фойдаланиш учун олиб кирилаётган буюм сифатида тақдим этиш.
- Асиллик босқичи: импорт ҳужжати йўқ буюмни тамғалаш ёки бошқа қонуний партия ҳужжатларига боғлаб қўйиш хавфи. 2025 йил 1 сентябрдан божхона тўлови ҳужжатисиз хорижий буюмни текшириш ва тамғалаш тақиқлангани ушбу канални қисқартиришга қаратилган.
- Улгуржи ва чакана савдо: қонуний импорт қилинган партия ҳужжатларидан ҳужжатсиз товарни сотишда фойдаланиш ёки бир идентификаторни бир нечта буюмга қўллаш хавфи.
- Иккиламчи бозор ва аҳоли қўлидаги товарлар: келиб чиқиш ҳужжати бўлмаган эски буюмлардан фойдаланиб, янги яширин импортни “эски қолдиқ” сифатида қонунийлаштириш эҳтимоли.
- Нақд ва юқори қийматли операциялар: буюмнинг асиллиги тасдиқланган бўлса ҳам, маблағ ва товар келиб чиқишини назоратдан четда қолдириш хавфи.

ЯШИРИН ИМПОРТНИНГ ЮҚОРИ БЎЛИШИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ АСОСИЙ ОМИЛЛАР

Товарнинг қиймати юқори ва ҳажми кичиклиги

Олтин ва қимматбаҳо тошлар кичик вазнда катта қийматга эга. Шунинг учун уларни йўловчи багажи, шахсий тақинчоқ ёки майда партия кўринишида яширин олиб кириш бошқа товарларга нисбатан осонроқ.

Расмий ва норасмий импорт харажатлари ўртасидаги фарқ

Божхона тўловлари, тамғалаш, экспертиза, логистика ва айланма маблағ билан боғлиқ харажатлар расмий импорт таннархига таъсир қилади. ПҚ-207 доирасида 7113–7114 позициялари бўйича бож ставкасининг 10 фоиздан 2 фоизга туширилиши расмий ва норасмий импорт ўртасидаги харажат фарқини қисқартиришга қаратилган.

Маълумотларнинг парчаланганлиги

Божхона тизимида товар ТИФ ТН коди бўйича, Асиллик инспекциясида буюм ва грамм бўйича, солиқ тизимида МХІК ва чек бўйича, уюшмада эса сўров маълумотлари асосида ҳисобга олинади. Ушбу маълумотлар ягона идентификатор билан боғланмаса, товарнинг чегарадан чакана савдогача бўлган ҳаракатини автоматик кузатиш қийин.

Жисмоний шахслар канали

Кўп марта сафар қилиш, бир партияни бир нечта йўловчи ўртасида бўлиб олиб кириш ёки “шахсий фойдаланиш” тушунчасидан тижорат мақсадида фойдаланиш яширин импорт учун юқори рискли канал ҳисобланади.

Ҳужжатсиз эски қолдиқлар ва иккиламчи бозор

Бозорда аввалдан ҳужжатсиз қолдиқлар мавжуд бўлса, янги олиб кирилган товарни ҳам “эски товар” сифатида кўрсатиш имконияти пайдо

бўлади. Шунинг учун бир марталик легаллаштириш жараёни аниқ якуний муддат билан чекланиши, ундан кейин эса IDсиз товар сотишга йўл қўйилмаслиги керак.

Истеъмолчининг ахборот асимметрияси

Агар харидор товарнинг асиллиги, импортчиси, декларацияси ва сотув мақомини бир жойда текшира олмаса, расмий ва норасмий маҳсулот ўртасидаги ҳуқуқий фарқни англаш қийинлашади. Бу эса арзонроқ, аммо ҳужжатсиз товарга талаб сақланиб қолишига шароит яратади.

Назоратнинг реактив хусусияти

Назоратни фақат текширув ва ушлаш чораларига қуриш қиммат ва самараси чекланган ёндашувдир. Самарали тизим божхона декларацияси, асиллик маълумотлари, электрон ҳисобварақ-фактура ва онлайн чекларни автоматик солиштириб, хавфли операцияларни олдиндан аниқлаши керак.

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Туркияда заргарлик ва қимматбаҳо металлар бозори бир нечта давлат ва бозор институтлари иштирокида тартибга солинади. Хазина ва молия вазирлиги қимматбаҳо металлар стандартлари, рафинериялар ва валюта тартибини белгилайди. Borsa İstanbul қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар бозорини юритади. Darphane ve Damga Matbaası Genel Müdürlüğü (Зарбхона ва муҳр босиш бош бошқармаси) асилликни лабораторияда текшириш ҳамда хусусий лабораторияларни ваколатлаштириш билан шуғулланади. Чакана заргарлик савдоси эса Савдо вазирлиги томонидан лицензияланади ва Kuyum Ticareti Bilgi Sistemi (KTBS) орқали ҳисобга олинади.

Туркия моделининг муҳим жиҳати шундаки, қимматбаҳо металл мамлакатга кирган пайтдан бошлаб биржа ёки рафинерия инфратузилмасида

қайд этилади, чакана савдо билан шуғулланувчи субъектлар эса алоҳида идентификация қилинади. Шу тариқа назорат фақат божхона пости билан чекланмай, бутун қиймат занжирини қамраб олади.

Айрим тўлов шаклларида ваколатли импортчилар божхона декларацияси ёпилишидан камида бир иш куни олдин Савдо вазирлигининг “Ягона дарча” тизими орқали Borsa İstanbul’га импорт ҳақида олдиндан хабар беради. Бу божхона расмийлаштируви билан биржа маълумотларини ўзаро боғлаш имконини беради.

Borsa İstanbul биржада савдога қўйиладиган қимматбаҳо металларни ишлаб чиқарувчи маҳаллий ва хорижий рафинериялар рўйхатини ҳам юритади ва масъулиятли таъминот занжири талабларига риоя этилишини назорат қилади. Бу импортчилар учун қўшимча техник ва репутацион талабларни белгилайди.

Чакана заргарлик савдоси фақат ваколат гувоҳномасига эга корхоналар томонидан амалга оширилади. Гувоҳнома олиш жараёни Kuyum Ticareti Bilgi Sistemi (KTBS) рақамли платформаси орқали юритилади. Савдо вазирлиги маълумотига кўра, тизим бозор иштирокчилари ҳақида долзарб маълумот тўплаш, ҳужжатларни рақамли расмийлаштириш ва савдони қонунчилик талаблари асосида назорат қилишга хизмат қилади.

БААда қимматбаҳо металлар ва тошлар савдосининг асосий ҳуқуқий базасини 2015 йилда қабул қилинган 11-сон Федерал қонун ва унинг 2018 йилдаги 45-сон ижро регламенти ташкил этади. Ушбу ҳужжатлар олтин, кумуш, платина ва платина гуруҳи металларини қамраб олади ҳамда проба стандартлари, расмий тамға, сертификатлаш ва назорат тартибини белгилайди.

Ижро регламентига кўра, қайта ишланган қимматбаҳо металл буюмларини сотиш ёки сотиш учун сақлашда БААнинг расмий тамғаси

бўлиши, ёхуд белгиланган шартларда хорижий тамға тан олиниши керак. Буюм ўлчами тамға босишга имкон бермаса, тегишли маълумот ёрлиқда кўрсатилиши мумкин. Бу ёндашув товарнинг қонунийлигини фақат ҳужжат орқали эмас, бевосита буюмдаги идентификация белгиси орқали ҳам текшириш имконини беради.

Федерал қонунда “hallmarking body” тушунчаси белгиланган бўлиб, у давлат томонидан аккредитациядан ёки рўйхатдан ўтказилган ва қимматбаҳо металлга расмий тамға қўйиш ҳуқуқига эга ташкилотни англатади. Сертификатлаш органларига ҳам алоҳида талаблар қўйилади. Натижада асилликни текшириш бозордаги исталган лабораторияга эмас, давлат тан олган инфратузилмага боғланади.

БААда қимматбаҳо металлар ва тошлар билан савдо қилувчи субъектлар пул ювиш ва терроризмни молиялаштиришга қарши назорат тизимида “Designated Non-Financial Businesses and Professions” (DNFBP) тоифасига киритилган. Бу тоифа ишлаб чиқарувчилар, брокерлар, рафинериялар, заргарлик корхоналари, чакана савдогарлар ва айрим иккиламчи бозор иштирокчиларини ҳам қамраб олиши мумкин.

2026 йилги расмий қўлланмага кўра, қимматбаҳо металл ва тошлар савдогарлари бир операция ёки ўзаро боғлиқ операциялар қиймати 55 000 дирҳамга тенг ёки ундан юқори бўлганда AML/CFT/CPF талабларини қўллаши керак. Бунда фақат операция суммаси эмас, мижознинг хулқи, операция хусусияти ва бошқа хавф индикаторлари ҳам баҳоланади. Шубҳали операциялар тўғрисида goAML платформаси орқали хабар берилади.

Бу чоралар бевосита божхона чеклови ҳисобланмайди, аммо катта қийматли заргарлик маҳсулотларининг нақд пулда ёки манбаси тушунарсиз маблағлар ҳисобидан сотилишини молиявий мониторингга олади. Натижада

ноқонуний импорт қилинган товарни ички бозорда қонуний савдо сифатида кўрсатиш қийинлашади.

Ҳиндистонда қимматбаҳо металл буюмларини пробадан ўтказиш ва тамғалаш тизимини Bureau of Indian Standards (BIS) юритади. BIS таърифига кўра, hallmark – буюм таркибидаги қимматбаҳо металл миқдорини текшириш ва расмий қайд этиш орқали унинг асиллигини тасдиқловчи белги. Амалдаги тизим олтин ва кумуш буюмларини қамраб олади. Олтин учун 14K (585), 18K (750), 20K (833), 22K (916), 23K (958) ва 24KS (995) каби белгиланган пробалар қўлланади.

Ҳиндистон тизимининг энг муҳим элементларидан бири – Hallmark Unique Identification (HUID). 2021 йил 1 июлдан бу тизим жорий этилганидан сўнг ҳар бир олтин буюмига BIS логотипи, карат ёки проба белгиси ва олти белгидан иборат уникал ҳарф-рақамли HUID коди қўйилади. Шу код орқали буюмни дона даражасида кузатиш мумкин. Истеъмолчи BIS Care мобил иловасидаги “Verify HUID” функцияси орқали кодни мустақил текшира олади.

Италияда қимматбаҳо металлар соҳасидаги асосий миллий тартиб 1999 йил 22 майдаги 251-сон Қонунчилик декрети ва 2002 йил 30 майдаги 150-сон Президент декрети билан белгиланган. Италия Корхоналар ва Made in Italy вазирлиги (MIMIT) маълумотига кўра, олтин, кумуш, платина ва палладий ҳамда уларнинг қотишмаларида асиллик даражаси мингликда кўрсатилиши ва идентификация белгиси бўлиши шарт.

Миллий қонунчиликда олтин учун 750, 585 ва 375; кумуш учун 925 ва 800; платина учун 950, 900 ва 850; палладий учун 950 ва 500 пробалари қонуний стандарт сифатида белгиланган. Буюм бозорга чиқарилишидан олдин тегишли проба ва идентификация белгиси билан тамғаланиши керак.

Италия тажрибасида яширин импортга қарши муҳим воситалардан бири — импортчининг шахсий идентификация белгиси. Қимматбаҳо металл буюмларини ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчи субъектлар ҳудудий Савдо палатасидаги идентификация белгиси эгалари реестрида рўйхатдан ўтади. Ушбу реестр орқали бозорга чиқарилган маҳсулот учун масъул ишлаб чиқарувчи ёки импортчини аниқлаш мумкин.

Савдо палаталари реестрни юритиш билан бирга бозор назоратини ҳам амалга оширади. Инспекторлар ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш жойларидан намуналар олиши, проба ва идентификация белгиларини текшириши, шунингдек, тегишли ускуна ва штампларни назорат қилиши мумкин.

Италия Европа Иттифоқи божхона ҳудудига киргани сабабли учинчи давлатлардан импортда ЕИ Божхона кодекси қўлланади. Кодекс божхона органларига ЕИнинг молиявий манфаатларини ҳимоя қилиш, ноқонуний савдога қарши курашиш ва хавфга асосланган назоратни ташкил этиш вазифаларини юклайди.

Хитойда олтин ва олтин маҳсулотларининг ташқи савдоси махсус рухсатнома тизими орқали тартибга солинади. “Олтин ва олтин маҳсулотлари импорти ва экспортини бошқариш чоралари”га кўра, Хитой Халқ банки (РВОС) ваколатли орган ҳисобланади. Махсус рўйхатга киритилган олтин ва олтин маҳсулотларини импорт ёки экспорт қилишда РВОС ёки унинг ваколатли бўлинмаси берган рухсатнома божхонага тақдим этилади.

Айрим олтин импортчилари ички бозорда жисмоний олтинга бўлган талаб ва таклиф мувозанатида иштирок этади. Импорт операциялари давлат тасдиқлаган олтин спот биржасида рўйхатдан ўтказилиши ва дастлабки операция шу ташкил этилган бозорда амалга оширилиши мумкин. Бу

механизм импорт қилинган олтиннинг божхонадан кейинги ҳаракатини ҳам молиявий инфратузилмада қайд этишга ёрдам беради.

2026 йилда Хитой қонуний импортни енгиллаштиришга қаратилган тартибни ҳам жорий қилди. РВОС ва Бош божхона маъмуриятининг 2026 йилги 11-сон эълонига мувофиқ, олтин ва олтин маҳсулотлари билан мунтазам импорт-экспорт операцияларини амалга оширадиган юридик шахслар белгиланган шартлар асосида бир марталик эмас, кўп марта фойдаланиш мумкин бўлган рухсатномага мурожаат қилиши мумкин. Ушбу тартиб 2026 йил 1 июндан кучга кирган.

Бу ёндашувнинг мазмуни шундаки, маъмурий енгилликлар барчага эмас, олдиндан идентификация қилинган ва қонуний фаолият юритувчи субъектларга берилади. Яъни расмий импорт учун шароит енгиллаштирилади, хавф юқори бўлган операциялар эса кучайтирилган назоратда қолади.

Қозоғистонда 2016 йил 14 январда қабул қилинган “Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисида”ги қонун соҳанинг асосий ҳуқуқий ҳужжати ҳисобланади. Унга кўра, заргарлик ва бошқа қимматбаҳо металл буюмларини проба тамғасисиз, шунингдек ишлаб чиқарувчининг шахсий белгисиз (“именник”) сотишга йўл қўйилмайди. Буюмлар ваколатли ташкилот коди ва Қозоғистон Республикасининг ягона проба тамғаси билан белгиланади. [22]

Бу талаб ички бозорга чиқарилаётган товар бўйича икки даражали жавобгарликни шакллантиради: металл асиллиги ваколатли текширув тизими орқали тасдиқланади, ишлаб чиқарувчи ёки масъул субъектнинг идентификация белгиси эса сақланади.

Қозоғистон Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) аъзоси сифатида 2019 йилги қимматбаҳо металлар ва тошлар бўйича битим ҳамда Евроосиё иқтисодий комиссияси Кенгашининг 2021 йил 5 мартдаги 10-сон қарори талабларини қўллайди. Ушбу ҳужжатлар аъзо давлатларда заргарлик

буюмларини пробадан ўтказиш, таҳлил қилиш ва тамғалашнинг умумий тартибини белгилайди.

ЕОИИ божхона ҳудудига импорт қилиниб, ички истеъмол учун чиқарилган заргарлик буюмлари белгиланган пробаларга мос келиши ва, қоида тариқасида, импорт амалга оширилган аъзо давлатнинг проба тамғаси билан белгиланиши керак. Аъзо давлатларнинг ваколатли органлари проба тамғалари намуналари, уларнинг тавсифлари ва ишлаб чиқарувчи белгиси реестрлари бўйича ахборот алмашади. Бу сохта проба белгиларини аниқлаш имкониятини оширади.

МАВЖУД ТИЗИМДАГИ АСОСИЙ МУАММОЛАР

Буюм даражасида ягона рақамли идентификатор йўқлиги

Божхона декларацияси, асиллик тамғаси, электрон ҳисобварақ-фактура ва онлайн чекни бир-бирига боғлайдиган, ҳар бир буюмга хос ягона ID ҳали тўлиқ жорий этилмаган. Шу сабабли қонуний партия ҳужжатларидан ҳужжатсиз товарни сотишда фойдаланиш хавфи сақланиб қолмоқда.

Идоралараро статистик таснифларнинг мос эмаслиги

Божхона тизимида ТИФ ТН, асиллик назоратида буюм ва грамм, солиқ тизимида МХІК ҳамда пул айланмаси, уюшмада эса аъзо корхоналар сўрови қўлланади. Бу маълумотлар ягона “товар паспорти” орқали боғланмаган.

Жисмоний шахслар орқали бўлиб киритиш хавфи

Қиммatбаҳо буюмларни бир шахс томонидан такрорий ёки бир нечта шахс орқали бўлиб олиб киришда тижорат мақсадини аниқлаш учун сафарлар тарихи, декларациялар ва кейинги савдо изини бирлаштирадиган риск модели зарур.

Чакана савдода келиб чиқишни текшириш етарли эмас

Онлайн чекнинг мавжудлиги товар қонуний импорт қилинганини ўз-ўзидан кафолатламайди. Агар чекда буюмнинг уникал IDси ва асиллик маълумоти бўлмаса, тўлов операцияси билан товарнинг келиб чиқиши ўртасида тўлиқ боғлиқлик шаклланмайди.

Эски ҳужжатсиз қолдиқ муаммоси

Легаллаштириш механизми инвентаризация ва аниқ якуний муддат билан боғланмаса, "эски қолдиқ" тушунчаси доимий истисноga айланиб қолиши мумкин. Шунинг учун белгиланган муддатдан кейин ҳужжатсиз ёки IDсиз товар сотишга қатъий чеклов қўйилиши керак.

Қонуний импортда вақт харажати

Бож ставкасининг пасайтирилиши муҳим чора, аммо расмий импортнинг жозибадорлиги фақат ставкага боғлиқ эмас. Асиллик текшируви, экспертиза, декларация ва логистика жараёнларининг тезлиги ҳам норасмий каналлар билан рақобатда катта аҳамиятга эга.

Имтиёзлар самарасини KPI орқали баҳолаш етарли эмас

2025 йилда соҳада солиқ имтиёзлари ва товар айланмаси сезиларли ўсган. Энди ушбу қўллаб-қувватлаш чораларининг яширин импортни қанчалик қисқартирганини аниқ кўрсаткичлар асосида баҳолаш зарур. Бунда расмий импорт улуши, ID билан боғланган чеклар, аниқланган ҳуқуқбузарликлар ва бир субъектга тўғри келадиган солиқ тушумлари каби KPIлардан фойдаланиш мумкин.

Истеъмолчи текширув воситасининг чегараланганлиги

Ҳозирда харидор бир марта скан қилиш орқали буюмни ким импорт қилгани, қайси декларацияга тегишли экани, пробаси ва сотув мақоми ҳақида

тўлиқ маълумот оладиган заргарликка ихтисослашган ягона сервисга эга эмас.

Юқори қийматли нақд операциялар бўйича риск

Қимматбаҳо металл ва тошлар юқори қийматли актив бўлгани учун уларни импортдан кейин норасмий нақд савдода сотиш ва маблағ манбасини яшириш хавфи мавжуд. БАА тажрибасида бундай рисклар AML/CFT назорати орқали қамраб олинади.

ХУЛОСА

Таҳлил 2023–2025 йилларда Ўзбекистон заргарлик бозорининг расмий қисми анча кенгайганини кўрсатади. 2025 йилда Асиллик инспекцияси маълумотларида рўйхатдаги корхоналар сони 830 тага, Солиқ қўмитаси ҳисоботида умумий товар айланмаси 21,75 трлн сўмга етган. “Ўзбекзаргарсаноати” уюшмаси сўровида 2025 йилги экспорт 307,2 млн АҚШ доллари, Божхона қўмитасининг 7113–7114 позициялари бўйича маълумотида эса 318,9 млн доллар сифатида қайд этилган.

Демографик маълумотлар ҳам ички бозорда талаб юқори эканини кўрсатади. 2025 йилда 267 126 та никоҳ қайд этилган. Ҳар бир никоҳга 1–2 та узук деб ҳисобланганда, 267,1 мингдан 534,3 минг донагача эҳтимолий талаб шаклланади. Бу рақамларни реал савдо ҳажми деб қабул қилиш мумкин эмас. Бироқ уларни онлайн чеклар, асиллик тамғаси, маҳаллий ишлаб чиқариш ва импорт маълумотлари билан бирлаштириш орқали яширин савдони баҳолаш учун истеъмол баланси моделини ишлаб чиқиш мумкин.

Шу билан бирга, яширин импорт хавфи ҳали ҳам долзарб. 2025 йилнинг биринчи ярмида 363 та ҳолат бўйича 75 млрд сўмлик ноқонуний заргарлик буюмларини олиб киришнинг олди олинган. Асиллик назорати маълумотларида эса 2025 йилда 27 та қонунбузилиш ҳолати ва 644 та

тамғаланмаган буюм қайд этилган. Демак, расмий бозорнинг ўсиши яширин импорт ўз-ўзидан йўқолганини англатмайди.

ПҚ-207 доирасида импорт божининг 2 фоизга туширилиши, тамғалаш йиғимларининг тенглаштирилиши, импорт ҳужжатини асиллик тамғаси билан боғлаш, ҳужжатсиз товарни белгиланган тартибда декларация қилиш имкони, 2026 йилдан ҚҚС режимининг ўзгартирилиши ва “Toshkent AERO”да асиллик филиалининг ташкил этилиши соҳани расмийлаштириш учун муҳим қадамлар бўлди. Кейинги босқичда янги имтиёзлардан кўра, мавжуд чораларни товар даражасидаги рақамли кузатув ва идоралараро маълумот алмашинуви билан мустаҳкамлаш муҳим.

Тадқиқотдаги асосий таклиф — ҳар бир заргарлик буюмини импортдан то чакана сотувгача ягона уникал ID орқали кузатиш. Бу ID божхона декларацияси, асиллик хулосаси, электрон ҳисобварақ-фактура ва онлайн чек билан боғланиши керак. Ҳиндистондаги HUID, Италиядаги импортчи идентификация белгиси, Туркиядаги KTBS/KMTS, БААдаги hallmark ва AML/CFT механизмлари, Хитойдаги лицензиялаш ва мажбурий стандартлар ҳамда Қозоғистондаги проба тамғаси бундай ёндашувнинг турли шакллари амалиётда қўлланишини кўрсатади.

Бундай тизим назоратни фақат чегарада товарни ушлашдан бутун товар занжирини кузатишга ўтказади. Агар қонуний импорт жараёни тезлаштирилиб, норасмий товарнинг ички бозорга кириш нуқталари рақамли тарзда чекланса, расмий импорт улуши ва бюджет тушумлари ўсиши, истеъмолчи ҳуқуқлари яхшироқ ҳимоя қилиниши ва бозорда тенг рақобат муҳити шаклланиши мумкин.

6. ЗАРГАРЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЯШИРИН ИМПОРТИНИ КАМАЙТИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР

Заргарлик маҳсулотларининг яширин импортини камайтириш учун назоратни фақат чегарада кучайтириш етарли эмас. Товар мамлакатга кирганидан кейин асиллик текширувидан ўтади, савдо корхонасига етказилади ва якунда истеъмолчига сотилади. Бу жараёнда бир нечта давлат органи ва ахборот тизими иштирок этади. Шунинг учун асосий эътибор ҳар бир босқични алоҳида назорат қилишга эмас, уларни ягона рақамли занжирга боғлашга қаратилиши керак.

Хорижий давлатлар тажрибасини тўлиқ кўчириш шарт эмас. Ўзбекистон учун энг мақбул йўл — амалдаги Божхона, Асиллик, Солиқ ва “Асл белгиси” тизимларини ўзаро боғлаш ва хорижда ўзини оқлаган айрим механизмларни шу тизимларга мослаштиришдир. Шунда ҳар бир заргарлик буюмининг қаердан келгани, ким томонидан импорт қилингани, қаерда текширилгани ва қачон сотилганини рақамли тарзда кузатиш мумкин бўлади.

6.1. Ҳар бир заргарлик буюми учун ягона уникал рақамли ID жорий этиш

Ҳозир импорт қилинган заргарлик буюмлари бўйича божхона ҳужжатлари расмийлаштирилади ва улар асиллик назоратидан ўтказилади. 2025 йил 1 сентябрдан божхона тўловлари тўланганини тасдиқловчи ҳужжатсиз хорижий заргарлик буюмларини тамғалашга ҳам йўл қўйилмайди. Лекин шунга қарамай, битта буюмни импортдан чакана сотувгача бўлган барча босқичларда ягона рақам орқали кузатиш механизми ҳали тўлиқ шаклланмаган.

Шунинг учун Ҳиндистондаги HUID ва Туркиядаги KMTS тажрибасидан фойдаланиб, ҳар бир заргарлик буюмига такрорланмас QR ёки Data Matrix код

ҳамда алфавит-рақамли ID бериш таклиф этилади. Бу код оддий маркировка эмас, буюмнинг рақамли паспорти вазифасини бажариши керак.

Товар партияси божхонага кирганда дастлабки идентификация рақами шакллантирилиб, Асиллик инспекциясида ҳар бир буюмга алоҳида ID бириктирилиши мумкин. Ушбу ID орқали декларация рақами, импортчи ёки ишлаб чиқарувчи, металл тури, проба, вазн, лаборатория натижалари ва тамғалаш санаси каби маълумотлар кўриниши керак.

Кейинги босқичда электрон ҳисобварақ-фактура ва онлайн чеклар ҳам шу IDга боғланади. Агар товар IDси марказий реестрда мавжуд бўлмаса ёки унинг расмий импорт қилингани тасдиқланмаса, касса орқали унга чек расмийлаштириш имкони чекланиши керак. Бу бир импорт ҳужжатидан бир нечта товар учун фойдаланиш, ҳужжатсиз маҳсулотни расмий савдога қўшиш ва сохта тамғалардан фойдаланиш ҳолатларини камайтиришга ёрдам беради.

Тизим истеъмолчи учун ҳам оддий ва тушунарли бўлиши керак. Харидор QR-кодни скан қилиб, маҳсулотнинг келиб чиқиши, импортчиси ва асиллик назоратидан ўтгани ҳақидаги асосий маълумотни кўра олса, бозордаги шаффофлик ошади ва ҳужжатсиз товарларга талаб пасаяди.

6.2. Божхона, Асиллик ва Солиқ маълумотларини реал вақт режимида интеграция қилиш

Заргарлик маҳсулотлари бўйича маълумотлар ҳозир турли идораларда шаклланади: Божхонада импорт декларацияси, Асиллик инспекциясида экспертиза ва тамғалаш, Солиқ органларида эса электрон ҳисобварақ-фактура ҳамда онлайн чек маълумотлари мавжуд. Бу маълумотлар ўзаро автоматик боғланмаса, бир тизимда қонуний кўринган операция бошқа тизимдаги маълумот билан таққосланмай қолиши мумкин.

Шу боис ТИФ ТНнинг 7113, 7114 ва тегишли 7116 кодлари бўйича божхона декларациялари, асиллик тамғаси, электрон ҳисобварақ-фактура ва онлайн чек маълумотларини ягона “заргарлик товар занжири” аналитик платформасида бирлаштириш таклиф этилади. Платформа импорт қилинган, тамғаланган, электрон ҳисобварақ-фактура орқали ўтказилган ва чаканада сотилган товар миқдорини мунтазам автоматик солиштириб бориши керак.

Масалан, субъект 100 дона заргарлик буюмини импорт қилган бўлса, тизим уларнинг нечтаси тамғалангани, нечтаси электрон ҳисобварақ-фактурада акс этгани ва нечтаси онлайн чек орқали сотилганини автоматик таққослайди. Катта тафовут аниқланса, операция риск сигнали сифатида белгиланиб, тегишли назорат органига юборилади.

Бунинг учун ТИФ ТН, МХІК ва асиллик классификаторларини ўзаро боғлайдиган ягона мувофиқлик жадвали тасдиқланиши зарур. Натижада оммавий текширувлар ўрнини маълумотларга асосланган, аниқ субъект ва операцияларга қаратилган риск мониторинги босқичма-босқич эгаллайди.

6.3. Жисмоний шахслар орқали амалга ошириладиган такрорий тижорат импортини аниқлаш

Яширин импортда учрайдиган асосий хавфлардан бири — товарни майда қисмларга бўлиб, жисмоний шахслар орқали шахсий фойдаланиш учун олиб кирилаётгандек кўрсатиш. Бунда бир шахс ёки ўзаро боғлиқ бир нечта шахс қисқа вақт ичида такрорий равишда хорижга чиқиб, қимматбаҳо буюмларни олиб кириши мумкин.

Йўловчи декларацияси ва божхона назорати мавжуд бўлса-да, такрорий сафарлар, бир хил йўналишлар, товар қиймати ва кейинчалик ушбу товарларнинг ички бозорда пайдо бўлишини биргаликда баҳолайдиган риск моделини кучайтириш зарур.

Бунинг учун 30, 90 ва 365 кунлик даврларда шахснинг сафарлари, аввалги декларациялари, олиб кирган товар тури ва қиймати, бирга сафар қилган шахслар ҳамда кейинчалик солиқ тизимида қайд этилган операциялар асосида скоринг тизимини жорий этиш мумкин. Такрорий тижорат импорти аломатлари аниқланса, қўшимча божхона назорати қўлланади.

Бунда оддий фуқароларга ортиқча қийинчилик яратмаслик муҳим. Шахсий буюм билан тижорат мақсадида олиб кирилаётган товар ўртасидаги фарқ аниқ мезонлар билан белгиланиши, паст рискли йўловчилар учун эса тезкор ўтиш тартиби сақланиши керак.

6.4. “Ишончли заргарлик импортчиси” мақомини жорий этиш

Қонуний импортчилар ҳам божхона расмийлаштируви, асиллик экспертизаси ва кутиш вақти билан боғлиқ харажатларга дуч келади. Агар расмий жараён ортиқча мураккаб ёки узоқ бўлса, норасмий каналлар айрим иштирокчилар учун жозибадор бўлиб қолиши мумкин.

Шунинг учун солиқ ва божхона интизоми юқори, аввал жиддий қоидабузарликка йўл қўймаган ҳамда уникал ID ва электрон ҳисобварақ-фактура талабларига тўлиқ амал қиладиган субъектларга “ишончли заргарлик импортчиси” мақомини бериш таклиф этилади.

Бундай импортчиларга олдиндан электрон декларация бериш, паст рискли партияларни соддалаштирилган тартибда расмийлаштириш ва асиллик экспертизасини тезлаштириш имконияти берилиши мумкин. Мақом доимий берилмасдан, ҳар чоракда солиқ интизоми, қоидабузарликлар ва бошқа самарадорлик кўрсаткичлари асосида қайта кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

Бу механизм қонуний ишлаётган тадбиркорга қулайлик яратади ва уни расмий импорт каналидан фойдаланишга рағбатлантиради.

6.5. Чакана савдода “IDсиз чек йўқ” тамойилини жорий этиш

Ноқонуний импорт қилинган товар чакана савдода расмий чек билан сотилса, ташқи кўринишдан қонуний товарга ўхшаб қолиши мумкин. Шунинг учун назорат импорт босқичида тугамасдан, чакана сотувгача давом этиши керак.

Ҳужжатдаги маълумотларга кўра, 2025 йилда заргарлик маҳсулотларининг онлайн чекларда акс этган савдо ҳажми 12,81 трлн сўмни ташкил этган. Аммо ҳозир онлайн чек муайян заргарлик буюмининг импорт ёки тамғалаш IDси билан мажбурий боғланмаган.

Шу сабабли онлайн чекда буюмнинг уникал IDси, металл тури, пробаси ва зарур ҳолларда вазни акс этиши керак. Касса дастури чек чиқаришдан олдин марказий реестрга мурожаат қилиб, IDнинг ҳақиқийлиги ва товар аввал сотилмаганини автоматик текшириши лозим.

Товар сотилгандан кейин унинг IDси “сотилган” ҳолатига ўтказилади. Товар қайтарилса, белгиланган тартибда статус қайта тикланади. Бу бир IDдан қайта-қайта фойдаланиш ёки ҳужжатсиз товарга расмий чек бериш имкониятини чеклайди.

6.6. Ҳужжатсиз мавжуд товарларни бир марталик инвентаризация қилиш

Янги рақамли тизимни жорий этишдан олдин бозорда аввалдан мавжуд, келиб чиқиш ҳужжатлари тўлиқ бўлмаган заргарлик буюмлари масаласини ҳал қилиш керак. Акс ҳолда кейинчалик ноқонуний олиб кирилган товарни “эски қолдиқ” сифатида кўрсатиш учун имконият қолиб кетади.

ПҚ-207 доирасида келиб чиқиш ҳужжатлари мавжуд бўлмаган товарларни тегишли божхона тўловларини тўлаш ва божхона юк декларациясини расмийлаштириш орқали қонунийлаштириш имконияти

назарда тутилган. Шу механизмдан фойдаланиб, бозордаги мавжуд товарларни бир марталик инвентаризациядан ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Инвентаризацияда ҳар бир товарнинг фотоси, вазни, пробаси ва бошқа асосий маълумотлари киритилиб, унга уникал ID берилиши керак. Легаллаштириш учун аниқ якуний муддат белгиланиши, шу муддатдан кейин эса IDсиз заргарлик буюмини савдога чиқаришга йўл қўйилмаслиги лозим.

6.7. Истеъмолчилар учун заргарлик буюмини текшириш сервисини яратиш

Яширин иқтисодиётни камайтиришда давлат назорати билан бирга истеъмолчининг иштироки ҳам муҳим. Харидор сотиб олаётган буюмнинг қонунийлигини осон текшира олса, ҳужжатсиз ёки сохта товарни сотиш қийинлашади.

Шу мақсадда “Soliq” иловаси ёки бошқа ягона давлат мобил платформасида заргарлик буюмининг QR-кодини скан қилиб текшириш функциясини жорий этиш мумкин. Фойдаланувчи буюмнинг пробаси, импортчи ёки ишлаб чиқарувчи, тамғалашни амалга оширган орган ва сотув ҳолати ҳақидаги асосий маълумотни кўра олиши керак.

Агар QR-код бўлмаса ёки буюмдаги маълумот тизимдаги маълумотга мос келмаса, истеъмолчи илова орқали фото илова қилган ҳолда хабар юбориши мумкин. Бундай мурожаат автоматик риск сигнали сифатида қабул қилиниб, тегишли назорат органига йўналтирилиши мақсадга мувофиқ.

6.8. Импортчиларнинг очиқ реестрини шакллантириш

Ҳозир импортчи ҳақидаги маълумот божхона декларациясида мавжуд, аммо оддий истеъмолчи буюмнинг ўзи орқали уни Ўзбекистонга ким олиб кирганини осон аниқлай олмайди. Шунинг учун рақамли товар паспортида импортчи ҳақидаги асосий маълумотни ҳам кўрсатиш керак.

Италия тажрибасига ўхшаш тарзда, буюм IDси орқали импортчининг СТИРи ёки бошқа идентификатори, ҳуқуқий мақоми ва маҳсулот учун масъул субъект экани кўрсатилиши мумкин. Шу билан бирга импортчиларнинг очиқ электрон реестрини шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Реестрда субъектнинг фаоллик ҳолати, солиқ мақоми, аниқланган қоидабузарликлар ва “ишончли импортчи” мақоми бор-йўқлиги кўрсатилиши мумкин. Бу ҳар бир товар учун масъул шахс ёки ташкилотни аниқ белгилашга ёрдам беради.

6.9. Имтиёзлар самарадорлигини аниқ KPIлар орқали баҳолаш

Заргарлик соҳасида тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун турли солиқ ва божхона имтиёзлари берилган. Уларнинг самарадорлигини фақат берилган имтиёз миқдори билан эмас, қанча товар расмий айланмага ўтгани ва яширин иқтисодиёт қай даражада камайгани билан ҳам баҳолаш зарур.

Ҳужжатдаги маълумотларга кўра, 2025 йилда Солиқ кодексининг 243-моддаси бўйича имтиёзлар миқдори 1,473 трлн сўмни ташкил этган. Шу боис соҳадаги ўзгаришларни ҳар чоракда кузатиб бориш учун ягона мониторинг панели (дашборд) ташкил этиш таклиф этилади.

Мониторинг панелида расмий импорт қиймати, уникал ID олган товарлар улуши, ID билан боғланган онлайн чеклар улуши, аниқланган ноқонуний импорт миқдори, такрорий қоидабузарлар сони, бир импортчига тўғри келадиган солиқ тушумлари ва расмийлаштиришга кетадиган ўртача вақт каби кўрсаткичлар акс этиши керак.

Шунда имтиёзларни узайтириш, қисқартириш ёки ўзгартириш тўғрисидаги қарорлар умумий баҳога эмас, аниқ натижаларга таянади.

6.10. ТИФ ТН, МХІК ва асиллик классификаторларини бирлаштириш

Сифатли таҳлил учун бир хил товар барча давлат органларида бир хил тарзда идентификация қилиниши муҳим. Ҳозир эса бир маҳсулот божхона тизимида ТИФ ТН, солиқ тизимида МХІК, Асиллик инспекциясида эса бошқа тасниф ёки тавсиф билан қайд этилиши мумкин.

Шу сабабли ТИФ ТНнинг 7113, 7114 ва 7116 кодлари, шунингдек заргарлик ишлаб чиқаришида ишлатиладиган асосий хом ашё кодлари учун ягона мувофиқлик маълумотномасини яратиш таклиф этилади. Унда товар тури, металл, проба, ишлов даражаси, вазн ёки дона бирлиги, МХІК ва асиллик классификатори ўзаро боғланиши керак.

Ушбу маълумотнома барча тегишли давлат органларида API орқали бир хил қўлланса, статистик тафовутлар камаяди ва автоматик риск таҳлилининг аниқлиги ошади. Ҳужжатда 71-гуруҳ бўйича 44 та ТИФ ТН кодини товар номи билан аниқлаштириш жараёни ҳам бу ёндашувнинг аҳамиятини кўрсатади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН РАСМИЙ МАНБАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси. “Ҳунармандчилик ва заргарлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, импорт қилиш ва сотиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари билан учрашув...” — ПҚ-207 чоралари ва 2025 йил I ярим йилликдаги ҳуқуқбузарликлар. https://www.customs.uz/ru/news/hunarmandchilik-va-zargarlik-mahsulotlarini-ishlab-chiqarish-import-qilish-va-sotish-faoliyati-bilan-shugullanuvchi-tadbirkorlik-subektlari-bilan-uchrashuv-bolib-otdi

Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси. “Заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш ёки сотиш билан шуғулланувчи тадбиркорликларга ҚҚСнинг 80%и қайтарилади”, 02.07.2025. https://gov.uz/oz/soliq/news/view/65285

Давлат асиллик даражаси назорати инспекцияси. 2026 йил 5 июндаги матбуот анжумани ахбороти. https://gov.uz/oz/asillik/news/view/174047

Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси. “Заргарлик фаолияти билан шуғулланувчиларга ҚҚСни қайтариш ва солиқ базасини аниқлаш тартиби тасдиқланди”, 2026. https://gov.uz/oz/soliq/news/view/151748

Солиқ қўмитаси / Рақамли технологиялар вазирлиги. “Рақамли маркировка” — “Асл белгиси” тизимидаги мажбурий товар гуруҳлари. https://www.digital.gov.uz/oz/soliq/activity_page/raqamli-markirovka

Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси. “Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг товар номенклатураси (2022 йил таҳрири)”, 71-гуруҳ. https://customs.uz/public/docfiles/1703156060.pdf

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-207-сон қарори, 26.06.2025. https://www.lex.uz/en/pdfs/7604300

Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси. “Тузилган никоҳлар сони (жами)” расмий маълумотлар тўплами, идентификация коди 2.01.01.0024, 2010–2025 йиллар; сўнгги янгиланган сана — 22.04.2026. Расмий статистика тайёрловчиси — Миллий статистика қўмитаси, бирламчи маълумот манбаси — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. Ҳисоблаш методикаси: https://lib.stat.uz/uz/features/demografiya-va-mehnat/853-asosiy-demografik-ko-rsatkichlarni-shakllantirish-bo-yicha-uslubiy-nizom-2

Тадқиқот учун тақдим этилган идора маълумотлари:

- Божхона қўмитаси — 2023–2025 йиллар бўйича 71-гуруҳ ТИФ ТН кодлари кесимида импорт/экспорт, қиймат, вазн, бож ва ҚҚС маълумотлари.
- Солиқ қўмитаси — 2019–2025 йиллар бўйича заргарлик соҳасида товар айланмаси, онлайн чеклар, ҳисобланган ва тўланган солиқлар, ҚҚС ҳамда имтиёзлар маълумотлари.
- Давлат асиллик даражаси назорати инспекцияси — 2019–2025 йилларда субъектлар, тамғалаш, экспертиза ва қонунбузилишлар маълумотлари.
- “Ўзбекзаргарсаноати” уюшмаси — 2024–2025 йиллар аъзо корхоналар сўрови.
- Миллий статистика қўмитаси — 2010–2025 йилларда республика ва ҳудудлар кесимида тузилган никоҳлар сони маълумотлари.

Хорижий давлатлар бўйича расмий манбалар:

[1] Borsa İstanbul A.Ş. — Precious Metals Market / Import rules. https://www.borsaistanbul.com/en/markets/precious-metals-and-diamond-markets/precious-metals-market

[2] T.C. Ticaret Bakanlığı — Kuyum Ticareti Bilgi Sistemi (KTBS) ва заргарлик савдосини лицензиялаш. https://www.ticaret.gov.tr/ic-ticaret/bilgi-sistemleri/kuyum-ticareti-bilgi-sistemi-ktbs

[3] T.C. Hazine ve Maliye Bakanlığı Darphane — Analiz ve Ayar Evi Hizmetleri. https://www.darphane.gov.tr/analiz-ve-ayar-evi-hizmetleri

[4] T.C. Hazine ve Maliye Bakanlığı — Kıymetli Maden Standartları ve Rafinerileri Hakkında Tebliğ (2023/1). https://ms.hmb.gov.tr/uploads/2024/04/Kiymetli-Maden-Standartlari-ve-Rafinerileri-Hakkinda-Teblig-Teblig-No-2023-1.pdf

[5] UAE Legislation — Federal Law No. 11 of 2015 Concerning Monitoring Trade in Precious Stones, Precious Metals and its Stamping. https://uaelegislation.gov.ae/en/legislations/1055

[6] UAE Legislation — Cabinet Resolution No. 45 of 2018 (Executive Regulations). https://uaelegislation.gov.ae/en/legislations/1056

[7] UAE Ministry of Economy & Tourism — AML/CFT guidance for Dealers in Precious Metals and Stones. https://www.moet.gov.ae/en/aml

[8] UAE Federal Tax Authority — VATP043: Reverse Charge Mechanism on Precious Metals and Precious Stones. https://tax.gov.ae/Datafolder/Files/Pdf/2025/VATP043-Precious-Metals-and-Precious-Stones-01-05-2025.pdf

[9] Bureau of Indian Standards — Hallmarking FAQ / HUID. https://www.bis.gov.in/hallmarking-overview/hallmarking-faqs/hallmarking-faq/?lang=en

[10] Bureau of Indian Standards — Jewellers / Imported jewellery hallmarking. https://www.bis.gov.in/hallmarking-jewellers/?lang=en

[11] Bureau of Indian Standards — Consumer Protection / Verify HUID and compensation. https://www.bis.gov.in/hallmarking-overview/consumer-protection/?lang=en

[12] Directorate General of Foreign Trade, India — Notification No. 03/2026-27, Chapter 71 import policy. https://content.dgft.gov.in/Website/dgftprod/4b3ce088-3baa-45ab-98e3-7e52f85c747b/Notification-chp-71-English.pdf

[13] Ministero delle Imprese e del Made in Italy — Metalli preziosi. https://www.mimit.gov.it/it/mercato-e-consumatori/normativa-tecnica/metrologia/metalli-preziosi?layout=ipamise%3Amise-list

[14] Camera di Commercio Pistoia-Prato — Registro assegnatari dei marchi di identificazione. https://www.ptpo.camcom.it/servizi/metrico/metalli/reg-assegnatari

[15] Camera di Commercio delle Marche — Importazione e esportazione oggetti in metallo prezioso. https://www.marche.camcom.it/tutela-impresa-e-consumatore/metalli-preziosi/importazione-e-esportazione

[16] Camera di Commercio Vicenza — Registro/marchi e titoli legali dei metalli preziosi. https://www.vi.camcom.it/it/servizi/metrologia/registro-assegnatari-marchio-identificazione-metalli-preziosi

[17] EUR-Lex — Regulation (EU) No 952/2013 laying down the Union Customs Code. https://eur-lex.europa.eu/eli/reg/2013/952/oj

[18] People’s Bank of China / official legal text — Measures for the Administration of Import and Export of Gold and Gold Products. https://www.beijing.gov.cn/zhengce/zhengcefagui/qtwj/202307/t20230720_3180496.html

[19] MOFCOM policy database — PBOC & GACC Announcement No. 11 [2026] on optimizing gold import/export licence management. https://policy.mofcom.gov.cn/claw/clawContent.shtml?id=106020

[20] State Administration for Market Regulation, China — GB 11887-2012 and revision project for jewellery fineness/marking. https://std.samr.gov.cn/gb/search/gbDetailedCNF?id=71F772D7E148D3A7E05397BE0A0AB82A

[21] People’s Bank of China Government Service Platform — Approval of import/export of gold and gold products. https://xzxk.pbc.gov.cn/

[22] Қозоғистон Республикаси “Әділет” — “О драгоценных металлах и драгоценных камнях”. https://adilet.zan.kz/rus/docs/Z1600000444

[23] ЕЭК Кенгашининг 2021 йил 5 мартдаги 10-сон қарори — проба, таҳлил ва тамғалаш талаблари (“Әділет” базаси). https://adilet.zan.kz/rus/docs/H21EV000010

[24] Қозоғистон — Правила проведения экспертизы драгоценных камней, ювелирных и других изделий. https://adilet.zan.kz/rus/docs/V1600013760

[25] Қозоғистон — 2024 йилги ЕОИИга кирмайдиган давлатлардан қимматбаҳо тошлар ва заргарлик маҳсулотларини олиб кириш/олиб чиқиш қоидалари. https://adilet.zan.kz/rus/docs/V2400035394

ИЛОВА

АМАЛДАГИ ИМТИЁЗЛАР ВА ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КЎРИЛГАН ЧОРАЛАР

Ҳужжат/чора	Асосий мазмун ва яширин иқтисодиётга таъсири
ПФ-104, 23.07.2024	Заргарлик тармоғини ривожлантириш, ҳудудларда тезкор асиллик хизматларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш ва экспортни рағбатлантириш бўйича чоралар.
ПҚ-207, 26.06.2025	Қимматбаҳо металларни қайта ишлаш ҳажмини йилига 7 тоннага, заргарлик маҳсулотлари экспортини 300 млн АҚШ долларига етказиш ҳамда норасмий айланмани камида 50 фоизга қисқартириш мақсадлари белгиланган.
Ускуна импорти имтиёзи	2025 йил 15 июлдан 2028 йил 1 июлгача белгиланган рўйхат бўйича Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган заргарлик ускунаси, эҳтиёт қисм, бутловчи ва сарф материаллари божхона божидан озод этилган.
7113–7114 учун бож	2025 йил 1 сентябрдан 2028 йил 1 сентябргача импорт божи 10 фоиздан 2 фоизга туширилган.
Божхона расмийлаштириш йиғими	“Эркин муомалага чиқариш” ва “экспорт” режимларида товар қийматидан қатъи назар БҲМнинг 1 баравари миқдорида белгиланган.
Тамғалаш йиғимини тенглаштириш	Импорт қилинган заргарлик буюмларини тамғалаш йиғими маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун белгиланган миқдорга тенглаштирилган.
Импорт ҳужжатини тамғалашга боғлаш	2025 йил 1 сентябрдан божхона тўлови амалга оширилганини тасдиқловчи ҳужжатсиз хорижий буюмни Асиллик инспекциясида текшириш ва тамғалаш ман этилган.
Ҳужжатсиз товарни декларация қилиш	Чегара орқали олиб кирилганини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган заргарлик буюмларини божхона тўловларини тўлаб ва БЮДни расмийлаштириб декларация қилиш имкони берилган.
2026 йилдан ҚҚС режими	Заргарлик ва ярим тайёр маҳсулотлар реализациясини ҚҚСдан озод қилиш бекор қилинган; соҳада ишлаб чиқариш ёки сотиш билан шуғулланувчилар даромадидан қатъи назар ҚҚС тўловчиси ҳисобланади.
2026–2027 йиллар учун ҚҚС базаси	Ишлаб чиқарувчилар учун ҚҚС базаси сотиш нархи билан қимматбаҳо металл ва тошлар нархи ўртасидаги ижобий фарқ асосида аниқланади, қарорда белгиланган манба ва шартлар асосида.
80% ҚҚСни қайтариш	2028 йил 1 январгача белгиланган мезонларга жавоб берган заргарлик ишлаб чиқарувчи ва чакана сотувчиларга бюджетга тўланган ҚҚСнинг 80 фоизини автоматик қайтариш механизми жорий этилган.
ЯТТларга рухсат	2025 йил 1 сентябрдан якка тартибдаги тадбиркорларга заргарлик буюмларини сотишга рухсат берилган.
Ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар учун рағбат	“Soliq” иловаси орқали қимматбаҳо металлар ва тошлар тўғрисидаги қонунбузарлик ҳақида хабар берган шахсларга ундирилган жариманинг 50 фоизи миқдорида мукофот белгиланган.
Toshkent-AERO филиали	Импорт жараёнида асилликни тезкор текшириш ва давлат тамғасини қўйиш учун махсус филиал ташкил этилган; 2026 йил март–майда 8 311 дона, 33,52 кг буюм экспертизадан ўтказилган.